

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ**

Исмаилов Дилшод Бахриддинович

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-

маънавий тадқиқотлар институти мустақил тадқиқотчиси

Тел: +998 97 -395 -60 -04

Аннотация

Мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини оширишнинг маънавий-ахлоқий сегменти компаратив ёндошув асосида илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш барча замон ва маконларда давлатнинг ўта муҳим вазифаси эканлиги илмий ёритилган.

Калит сўзлар: давлат, бошқарув, фуқаро, маънавият, мафкура, тарбия, сегмент, компаратив, замон, макон, тарғибот.

**ДУХОВНО-ЭТИЧЕСКИЙ СЕГМЕНТ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ:
СРАВНИТЕЛЬНЫЙ ПОДХОД**

Аннотация

В данной статье на основе сравнительного подхода научно анализируется духовно-этический сегмент повышения эффективности деятельности государственных служащих. Также в статье научно обосновано, что развитие морально-нравственных качеств государственных служащих является очень важной задачей государства во все времена и во всех местах.

Ключевые слова: государство, управление, гражданин, духовность, идеология, образование, сегмент, сравнительный, время, пространство, пропаганда.

SPIRITUAL AND ETHICAL SEGMENT OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF CIVIL SERVANTS: A COMPARATIVE APPROACH

Annotation

This article, based on a comparative approach, scientifically analyzes the spiritual and ethical segment of increasing the efficiency of civil servants. The article also scientifically substantiates that the development of moral qualities of civil servants is a very important task of the state at all times and in all places.

Keywords. state, management, citizen, spirituality, ideology, education, segment, comparative, time, space, propaganda.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилнинг 8 август куни «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун¹ қабул қилинди ва унда давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиб, шу лавозимда ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчиси эканлиги кўрсатиб ўтилди. Давлат фуқаролик хизматчиларига қўйиладиган умумий, профессионал талабларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак”² тарзида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг (2-Илова) фаолиятига нисбатан татбиқ этилади. Ушбу Қонуннинг амал қилиши: Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 2 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2022 йил 28 майда маъқулланган.

² Мирзиёев Ш. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.

палатаси ва Сенати девонлари ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, шу жумладан ҳарбий хизматчиларнинг; давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунда “давлат фуқаролик хизмати” тушунчасининг мазмуни “давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди”, дея белгиланган. Қонуннинг 4-моддасига киритилган асосий тушунчаларда “Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари”га алоҳида эътибор қаратилиб, унинг моҳияти “давлат фуқаролик хизматчилари томонидан риоя этилиши шарт бўлган одоб-ахлоқ нормалари мажмуи”, тарзида очиқ берилган. Айни вақтда қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси (давлат органининг ваколатларини лозим даражада амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар, малакалар ва кўникмалар мажмуи), малака талаблари — (давлат фуқаролик хизматининг муайян малака даражаси берилиши ва (ёки) давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган, иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир талаблар) сифатида ажратиқ кўрсатилган.

Одоб-ахлоқ кодекслари, қоидалари бу - давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқ-атвор тамойиллари, қадриятлари ва меъёрларини тизимлаштирувчи, жамиятнинг талаблари ва бошқарув тизимининг мансабдор шахсларга қўядиган талаблари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш ва тизимлаштириш натижасида шакллантирилган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Бунга алоҳида тўхталишимизга асосий сабаб - давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси ҳамда малака талаблари моҳиятан касбий, хусусий аҳамиятга эгаллигини, “Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари” эса универсал маънавий талабларни акс эттиришини таъкидламоқдир. Зеро давлат

хизматидаги ходим, деганда, давлат органларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ташкилий-бошқарув функцияларини бажарувчи, фуқаролар учун ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи ва хизмат мажбуриятларини бажармаганликлари учун оғир жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар назарда тутилади³.

Қонунда Давлат фуқаролик хизматчиларининг асосий принциплари қаторига «Халққа хизмат қилиш» ва «Давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги» принциплари киритилган. Ушбу принциплар моҳиятан маънавий-ахлоқий бўлиб, «Халқимиз давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойил Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий ҳаётида ўз аксини топаётганини тасдиқлайди. Бунинг яна бир тасдиғини давлат хизматчиларининг Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик, коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш, хушмуомалалик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш каби принциплар асосида амалга ошириш шартлиги белгиланган Одоб-ахлоқ қоидаларининг қабул қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Қонунда Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари билан биргаликда унинг жавобгарлиги ҳам алоҳида нормада белгиланган. 14-моддага асосан, Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни давлат органи томонидан қопланиши ва ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олиниши кўрсатилган.

Давлат хизматига киришнинг агентлик томонидан йўлга қўйилган очик мустақил танлов механизмлари орқали меритократия тамойили амалда ишлай бошлади. Ушбу янгича танлов тартиботлари соҳада таниш-билишчилик ва турли коррупциоген омилларнинг олдини олади. Бунинг учун давлат органларига кимнингдир тавсияси ёки субъектив фикри билан эмас, балки талабгорнинг малакаси ва касбий компетенцияларининг соғлом рақобатини таъминлайдиган “vacancy.argos.uz” электрон портали орқали энг муносиб номзодлар танлаб олинмоқда.

³ Муҳаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиж. Ўқув қўлланма.–Тошкент, “Университет”, 2017. 264 б. 9 б.

Номзоднинг алоҳида қобилиятлари, шу жумладан, унинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларини холисона ва адолатли баҳолашда меритократия тамойили қўлланилаётганлиги танлов жараёнларининг самарали бўлишига замин яратмоқда. Қолаверса, давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Қонунда давлат фуқаролик лавозимлари «сиёсий», «бошқарув» ва «ёрдамчи» гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми, лавозимга тайинлаш ва хизматни ўташ тартиби ҳамда Давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатиш асослари белгиланмоқда.

Унга мувофиқ давлат фуқаролик хизматига танлов асосида ишга қабул қилиниши, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланиши, давлат фуқаролик хизматчисининг узлуксиз малакасини ошириш тизими жорий этилиши, давлат фуқаролик хизматчиларига эгаллаб турган лавозимида кўра малака даражалари берилиши, раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида миллий кадрлар захираси шакллантирилиши, давлат фуқаролик хизматини тугатишга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ, давлат хизматчисининг Ўзбекистон фуқаролигини йўқотиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этиши каби ҳолатлар асос бўлиши таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматчиси ўз устида мунтазам ишлайдиган, касбий ва замонавий билимларни пухта эгаллаган, таҳлил ва тафаккур қилиши, муаммоларни ҳал этишда янгича фикрлар билан ёндашиш қобилиятларига эга бўлган етук ва фидойи шахс бўлиши лозим. Бунинг учун у Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган “Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари”га, яъни: давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги; қонунийлик; адолатлилик; халққа хизмат қилиш; давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик, профессионаллик ва компетентлик; давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига қаттиқ ишониши ва амал қилиши шарт.

Бугунги кунда давлат хизматчиси, ташаббускор, билимдон, юксак маданиятли, ҳалол ва ўз касбининг устаси бўлиши керак. Бундай ходим ҳар қандай вазият ва шароитга тўғри ёндаша олади, ҳодиса ва воқеаларга дадил, одил ва ҳолисона баҳо беради, ҳақиқий талаб ва адолатли иш услубини вужудга келтиради, меҳрибон инсон сифатида катта мавқега эга бўлади. Бу талаб давлат хизматчилари касбий маънавиятининг етакчи фазилатларига урғу қаратиб келади. Жумладан, давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак⁴. Айниқса, давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак”.

“Давлат хизматчисининг фазилатлари” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси бошқарув соҳасида гарчи ҳали тўлиқ татбиқ этилмаган, қонуний асослари босқичма-босқич шаклланиб бораётган бўлса-да, ўзбек давлатчилиқ тарихида бу борада қўплаб маълумотлар мавжуд. Жумладан, Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ўз даври ва кейинги давр давлат хизматчиси учун лозим бўлган “12 та фазилат ва хислатлар”ни келтириб ўтган. Асарда келтирилишича, раҳбар шахс соғлом, суҳбатдошининг фикрларини тез тушунадиган, фикрини равшан тушунтира оладиган, нафсини тия оладиган, адолатли, билимли, ориятли, қатъиятли бўлиши керак. Шу ўринда давлат арбоби ва буюк мутафаккир Алишер Навоий фикрларига эътибор қаратсак. “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”. Улуғ бобомиз бу билан бизга дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини, халқ ғамини ўйламай яшайдиган фазилатсиз инсонни одамлар қаторига қўшиб бўлмаслигини таъкидлаганлар. Давлат хизмати ходимлар фаолиятининг самарадорлиги, уларнинг юксак маънавий салоҳиятга эгалиги, бошқарув жараёнларининг самарали кечиши натижасидагина фуқароларнинг давлатга ва тузумга бўлган ишончи мустаҳкамланади, бошқарув ва бошқа сиёсий жараёнлардаги иштироклари фаоллашади, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатлик кучаяди, аҳолининг эртанги

⁴ Мухаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиж. Ўқув қўлланма.–Тошкент, “Университет”, 2017. 264 б. 17 б.

кунга нисбатан ишончи ортиб боради. Маънавияти, мафкураси, ватанга бўлган муҳаббати юксалади⁵.

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг “Темур тузуклари” давлат бошқаруви ва давлат хизмати ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Унда, айниқса, давлат хизмати соҳасида фаолият юритувчи кадрлар учун таъкидланган сифатлар бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Маълумки, Амир Темур “Куч – адолатдадир” деган шиорга қатъий риоя қилган ҳолда мамлакатни бошқарган. Соҳибқирон мазкур шиорга ўзи амал қилиш билан бирга вазирларни ҳам унга амал қилишга ундаган. Вазирлар, давлат хизматчиларига қўйилган бошқа сифатлар айнан шу шиордан келиб чиқиб шаклланган, дейиш мумкин. Соҳибқирон адолатпарварлик, ватанга садоқат, қатъият каби фазилатларни улуғлаган. Хушмуомалалик, сабр-матонатлилик, одиллик каби сифатларни ўзида мужассам қилган. Соҳибқирон бошқа амалдорлардан ҳам шундай фазилатларни талаб қилган. Амир Темур ҳукмдорнинг мансабдор шахсларни танлаб олиш ва уларни жой-жойига қўйиш қобилятини ҳокимиятни амалга ошириш ва мустаҳкамлашнинг бош шарти, деб ҳисоблаган. Жумладан, “Темур тузуклари”да таъкидланганидек, вазир лавозимига номзод шахслар қуйидаги тўрт фазилатга эга бўлиши лозим бўлган. Биринчиси – асиллик, тоза наслилик, иккинчиси – ақл, фаросатлилик, учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик, тўртинчиси – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Албатта, ушбу фазилатлар эгаси бўлган давлат хизматчилари бугунги кунда ҳам юксак кадрланиб, бундай давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш муҳим вазифалардан биридир. Барчамизга маълумки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги қонунда давлат фуқаролик хизматига кириш танлов асосида номзодни давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинлаш орқали амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Айни вақтда Қонуннинг 12 моддасида белгиланган “Давлат фуқаролик хизматчисининг мажбуриятлари” моддасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши; давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки

⁵ Равшанов Ф. Давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий қиёфаси. Монография. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2022. Б-9.

кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши; ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги ҳам ходимлардан мустаҳкам иродани, қатъиятликни, ростгўйлик, бурчга садоқат каби юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тақозо қилади.

Қонуннинг маънавий таҳлилини унинг 17-моддасида келтирилган “Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари”ни келтириш билан чекланамиз. Унда давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари этиб:

раҳбарлар, бўйсунувдагилар ва бошқа давлат фуқаролик хизматчилари ўртасидаги ўзаро ахлоқий муносабатлар;

давлат фуқаролик хизматчисининг ишчанлик обрўсига ва давлат фуқаролик хизматининг нуфузига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик);

давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятидаги ва хизматдан ташқаридаги хулқ-атворининг асосий қоидалари.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат давлат органларининг кадрлар бўлинмалари ёки одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари қонунчиликда белгиланади. Ҳар бир давлат органи Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари асосида фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ички одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди.

«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»⁶ги қарори⁶ қабул қилинди. Қарорнинг 1 иловаси асосида Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари тасдиқланди. Унга кўра давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга мурасасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳуқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим: давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Давлат хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли «Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2-боби “Касбий маданиятга оид умумий одоб ахлоқ қоидалари”, деб номланиб, унга кўра давлат хизматчилари:

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги; ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши; хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

Маълумки, шахснинг маънавияти унинг касбий маънавиятида, хулқида, фазилатларида амалга ошади, намоён бўлади. Маънавият – ҳис этиладиган, англанадиган, оқилоналикка асосланган шу сабабли ахлоқий тушунчалар маънавиятга доир бўлса, хулқ ана шу тушунча, билимларнинг амали сифатида эътироф этилади. Зеро, «Ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир»⁷. Шу боис Қарорнинг “Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари”, деб номланган 3-бобида давлат хизматчилари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбурлиги белгилаб қўйилган:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмийчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўриладиган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш; чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

Қарорда раҳбар кадрларнинг мажбуриятлари:

бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, ҳолислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

давлат хизматчилари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги давлат хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига ҳолис, адолатли ва қонуний ёндашиш тарзида белгиланган.

Шунингдек, раҳбарларнинг бўйсунувидаги давлат хизматчиларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган.

Маълумки, давлат фуқаролик хизматчиси – ижтимоий фаол шахс, фуқаро. Шу боис у ишдан бўш вақтларида оддий инсон сифатида жамоат жойларида, тадбирларда, маърака-маросимларда, маҳалла тадбирларида иштирок этади. Ана шундай вазиятларда давлат хизматчиси ўзини қандай тутиши керак? Мана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Қарорнинг 4-бобида “Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари” белгиланиб, уларда:

Давлат хизматчилари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган ҳуқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур: миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик,

шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятдан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслиги кераклиги таъкидланади.

Шунингдек, қарорда давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши кераклиги белгиланиб,

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса, оммавий баёнот берилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Давлат хизматчисининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари қуйидагича регламентлаштирилади:

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

Давлат хизматчисининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг

давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

Давлат хизматчиларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

Дарҳақиқат, давлат хизматчиси ўз вазифасини нафақат ижро этиши, балки уни қандай ижро қилиши ҳам муҳим масала. Унинг халқ олдидаги масъуллигини ҳис қилишида касбий салоҳиятидан ташқари, унинг шахсий сифат ва фазилатларини ривожлантириш лозим. Зеро, Янги Ўзбекистон, яъни ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигига эришиш учун қонунларга риоя этиш мажбуриятга эмас, инсоний фазилатга, одатга, маънавий эҳтиёжга айланиши лозим. Ана шунда давлат хизматчиларининг фаолиятида эзгулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, адолат инсоннинг шахсий қадрияти сифатида унинг фаолиятига кўчади ва уни самарали қилувчи кучга айланади. Шу боис Янги Ўзбекистонни барпо қилиш давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларига бевосита боғлиқ объектив жараёнлиги намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан тизимли назоратни таъминлаш мақсадида уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини баҳолаш тартиби белгиланди. Давлат фуқаролик хизматчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини баҳолаш тизими жорий этилиб, уларнинг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқига доир қоидаларга риоя этишлари Миллий “Карьера модели” электрон платформасида назорат қилиб борилмоқда. Бу жараён давлат хизматчиларига ўз вазифаларини, бу эса ўз навбатида давлат функцияларини янада самарали ва профессионал бажаришга ёрдам беради. Қонун ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш: фазилатларнинг ривожланиши, шунингдек, давлат хизматида қонун ва ахлоқ қоидаларига риоя қилишга ёрдам беради, бу эса коррупция ва адолатсиз ҳаракатлар хавфини камайтиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
2. Равшанов Ф. Давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий қиёфаси. Монография. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2022. Б-9.
3. Муҳаммадждонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имижиди. Ўқув қўлланма.–Тошкент, “Университет”, 2017. 264 б. 9 б.
4. Мирзиёев Ш. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ.
5. Gulamov, A., Avazov, K., & Abrayqulov, B. (2021). Studying the effect of drying technology on silk cocoon shell and chrysalis features. In E3S Web of Conferences (Vol. 304, p. 03039). EDP Sciences.
6. Kholliievich, A. K. (2017). Spiritual Aspects of Formation of a Threatening Resistant Society. J. Socialomics, 6(4), 1-6.
7. Авазов, К. Х., & Тураева, С. (2022). СОВРЕМЕННЫЕ ФАКТОРЫ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕКА. In общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история (pp. 29-33).
8. Авазов, К. Х. Духовно-нравственные основы формирования угрозоустойчивого общества. ҚарДУ хабарлари, 4(42), 104-107.
9. Авазов, К. Х. (2017). Место и роль политического лидера в условиях глобализации: проблемы и решения формирования угрозоустойчивого общества. Актуальные проблемы современной науки, (5), 209-212.
10. Komil, A. (2022). Modern factors of society stability. American Journal of Research in Humanities and Social Sciences, 7, 13-23.
11. Авазов, К. Х. (2017). Место и роль Ислама Каримова как политического лидера в устойчивом развитии Узбекистана. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (9-2), 17-28.
12. Kholliievich, A. K. (2019). Efficiency Factors of Political Power. Scholars Journal of Physics, Mathematics and Statistics, 6(4), 91-94.
13. Авазов, К. Х. (2021). Социально-психологические аспекты информационных угроз. Научный журнал, 3503.

14. Komil, A. (2022). The Role of State Authority in Ensuring Political Stability. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 15, 9-16.
15. Saidov, S. (2023). THE SIGNIFICANCE OF MUNJIK TERMIZI HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(5), 5-8.
16. Saidov, S. (2023). "TARIXI GARDIZIY" ASARINING TARIXIY QIYMATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 842-847.
17. Ugli, S. S. A. (2020). Philosophical and moral significance of IBN'S work" Al-adab Al-kabir". Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(2), 261-264.
18. Саидов, С. (2022). ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОННИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИБН МУҚАФФА АСАРЛАРИНИНГ РОЛИ. International scientific journal of Biruni, 1(3), 19-22.